"ТАСДИКЛАЙМАН"
Учкудук ТТБ бошлиги
______________ Х.Х.Шукуров
"____"_________________2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**
Учкудук тумани 2022 йил
Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
II. Техник кисм

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА
## ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Учқудуқ туман Учқудуқ туман Тиббиёт бирлашмасига чойшаблар тўплами, кирлар учун коплар, чакалоклар учун одеял, сочиқ (вафелный) ва ёстик,курпа,ташки халатлар сотиб олиш.

1.2. Танловнинг юкори киймати - **40 599 998,68 (кирк миллион беш юз туксон туккиз минг туккиз юз туксон саккиз сум, 68 тийин)**.Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмида илова килинган.

**Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Учкудук туман ТТБ (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси кисобланади. "Буюртмачи" манзили: Узбекистон Республикаси, Навоий вилоят Учкудук туман Олтин тог 27-уй
2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади
2.3. Танлов Учкудук туман ТТБ "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

танлов предмета кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомила хукукий лаёкат ва ваколатлар;

тайлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

уз кучлари билан илгари бажаролган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда);

Низом маблаги микдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## .4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.2. Техник кисм, ''Буюртмачи” томонидан куйилган техник талаблар ни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган,ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини мухрлаб тасдикланган холда такдим этишлари лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

® Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.